

Виждонан меҳнат

қилаётганлар

КҮНГИЛ ТАРБИЯСИ



Жиззах туманининг Қангли қишлоғида бир муаллим бор. Баланд, гавдали хушбичим ва хушчақчақ, шеър ўқини ва элга сўз айтишга ишқивоз. Қишлоқдаги тую маъракалари эл кайвониси — Умрзоқ ака Бойматов бошқаради. Ҳар гал Қанглида бирор тўйда бўлиб, микроронни қўлга олган Умрзоқ ака моҳир режиссёр каби тўй томошасини олган сахнага айланган билганини кўриб, «Афсус, ўқитувчиларнинг кўрик танловлари кечикиб пайдо бўлди-да, замон ёр бўлганда, шу одам жумҳурият қолиби бўларди!» — деб кўяман.

Умрзоқ ака авлоди ҳаётнинг тўрт кутби — очлик, уруш, ўлим ва барҳаётнинг кўрди. Ҳаётнинг жабру жафосидан кўйинмайди, элнинг иззатидан, бир вақтлар ўзлар тетапо қилган, ҳозир эса йирик мутахассис, обрўли шоғирдларнинг, сидқидилдан янабо салом беришларидан яйради, умридан рози бўлади. Муаллимлари — билимли, мактаблари — суякли эллар кудратли ва барҳаёт бўлади. Узоқни кўра билган давлатлар маорифдан маблаг аямайди, ўқитувчинин ардоқлайди. Қанглидаги 14-мактаб кўп йиллар давомида кўхнариб, ахир деворларини тўкилиб кетди. Аммо мактабнинг тўни эскириб, титилиб кетса-да, юраги ҳамиша баҳор эди. Унда Умрзоқ ака каби кўпгина яхши, билимпарвар ўқитувчилар жамланган ва улар зини муҳитини ҳосил қилиб турар эдилар.

Биз таърифлаётган Умрзоқ ака — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси: қирқ йил мобайнида ўз ўқувчиларининг қалби ва онгини Туронюртнинг бош маданияти — адабиёт билан пешлади. Ўйинқароқ, дарс тингашдан кўра, кўчада шамолдай елиб юришни истайдиган, партага ўзи сисгасаям, юраги сиймай, қизларнинг сочидан тортиқлайдиган болалар ҳам унинг дарсида жимгина ўтиришарди. Умрзоқ ака асар воқеаларини худди болалар каби ҳаяжонланиб ҳикоя қилади. Шейрни эса жўшиб ўқийди.

Дунёга болалик кўзи билан қараб, ундаги ўзинда ажиб ҳисларни уйғотган манзара ва шакллари мўйиналам орқали мангунликка айланган кўпчилик ўқувчиларнинг сўйган машғулотидир. Нурода туманидаги 5-мактаб тасвирий санъат муаллими Пардаё Эсонова шундай болаларга расмочлик сир-асрорларини ўргатиб келаяпти.

Суратқаш А. ЧАПЛИГИНА.

Шеър шунчалик жозибали, сўз бунчалик таъсири бўлишини кўриб, ўқидан совиған, мактабдан безган болалар ҳам китобни аста ва рақлашади. Муаллим ўз ўқувчиларини маънавий маданият боғига, маърифат гуллари чаманига олиб киради. — Биз унинг дарсини сабрсизлик билан кутардик, дейди — мураккаб касб соҳиб — миллия подполковник Жоноуз Турдимуродов. — Ҳар бир мазунни қўлогинизга кўрошндий куяр ва руҳиятигизга мос ширин истақлар айтиб, қалабимизни севинчиларга тўлдириб юборарди.

— Болалар! — деб гап бошлади Умрзоқ ака ўзининг гумбирлаган баланд овози билан. — Сизнинг келажингиз олдинда. Ҳозирча ҳаммаларингиз бир хил савиёда чўқур билим олишингиз, балки қийиндир. Балки, ҳамма ҳам олий маълумот соҳиб бўлолмас. Лекин менинг ишончим комилки, ҳар бирингиз бир ишингиз этганини тўтиб, эл назарига туташидан инсон бўлишларингиз мумкин. Домларнинг қалб сўзлари болаларнинг синиққан қўлгига бўларди.

Қалбидарё муаллим мактабда қирқ йил ишлади: йилгитлик, навқиронлик йиллари шу дароҳда ўтди. Бутун умри давомида мактаб-шамчирок атрофида парвона бўлди. Устоз муаллим қариллик нафақасига чиқди. Дастлабки йилларда у тўб мактабдан, болалардан бутунлай узоқлашиб, узилб кетадигандай туюлди. Ўқинди. Саросимага ҳам тушди. Лекин бу мактабда унинг алоҳида ўрни, муҳим салмоғи бор, унинг ўрнини бошқа ҳеч бир устоз босолмас эди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан, араб илмосидан кўхна ўзбек тилини ўрганишга азалдан илхосманд Қангли қишлоғи аҳли мактабда болаларга бу фани Умрзоқ муаллим ўқитишини маъқул кўрдилар. Мана тўрт йилдирки, Умрзоқ Бойматов ёш авлодга қадимий ёзма обидларимиз тилини ўргатиб келмоқда.

Умрзоқ ака — Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, кўплаб фахрий ёрликлар, мукофотлар соҳиб. Мактаб педагогика кенгаши устоз домлани олий тоналга ўқитувчи даражасига бир овоздан лозим кўрди. Мактаб ўқитувчилар жамоаси устоз муаллимнинг иззат-ҳурмат қилади, бу эътибордан Умрзоқ ака миянатдор. Бироқ унинг энг катта қувончи — муаллимга умид билан тикилган қора кўз болақайлардир.

Н. ХОЛЛИЕВ, И. БЕРДИЕВ.

ДАВР ТАЛАБИ

Ешларни мустақил жумҳуриятимизнинг порлоқ истиқбол учун чинакам қайтарувчан кишилар қилиб тарбиялаш мақсадида дарс жадалига талайгина ўзгаришлар киритилди, ўқув машғулотлари сафидан бир қатор энг фанлар жой олди. Ешларни атроф-муҳитини ва табиятини сезиш, уни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш мақсадида мактабларда экологик тарбия дарслари ўқитила бошлагани бунинг далилидир.

Зеро, бугунги кунда экологик ҳолат шундайки, агар инсониятнинг табиятга таъсири фақат моддий манфаат нуқтаназаридан давом этверса, ер юзидagi ҳамма жонот, жумладан, инсоннинг ўзи ҳам бутунлай қирилиб кетиш хавфи туғилмоқда. Табиат устидан эришган «ғалабаларимиз» биринчи навбатда биз мўлжалланган.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

лаган натижани бериб, иккинчи ва учинчи навбатларда бутунлай бошқа кўнглимиз, кўп вақтда биринчисининг аҳамиятини йўқотадиган натижалар беришини Орол денгиз фожияси мисолида кўриб турибмиз.

Ҳўа, экологик оннинг ўзи нима? Экологик он — ижтимоий оннинг бир тури бўлиб, у икки йўл билан шаклланиши мумкин. Стихийли ва сингилли маълум мақсадга қаратилган таълим-тарбиядир. Кўриб турибдикки, экологик он ҳамда экологик маданият ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, уни шакллантириш узок вақт талаб этади. У кишининг бутун ҳаёти давомида мафкура, сиёсат, санъат, илмий билимлар, таълим-тарбия ва таъшиқот-тарғибот орқали амалга оширилади.

Табиий манбаларини авайлаб-асрашнинг энг муҳим йўли аҳолини, айниски, ёш авлодини табиятнинг муҳофазаси қилишга доир билимлардан хабардор этиш, уларга экологик тарбия беришдир. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги кунда ижтимоий-иқтисодий масалаларни экологик маданият талаблари даражасида ҳал қилиш олдидан авлодини тарбиялаб етиштириш мактаблар олдига қўйилган муҳим талабдир.

Д. ТЕМИРОВ, Тошкент вилояти Бўка туманидаги 7-мактабнинг илмий бўлими мудир.

МУХБИР: — Тельман Сатторович, бугунги кунда жумҳуриятимизда қатор олий билимгоҳларнинг дорилфунунга айлантирилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мустақил давлатимизнинг олий таълим жаҳасида ТошДДнинг тугган ўрни ва маъна ҳақида нима дая оласиз? **Тельман Сатторов:** — Кейинги пайтларда бизнинг республикамизда ҳам дорилфунунлар сонин кўпайиб бормоқда. Фарғона ва Нукус давлат дорилфунунлари, Деҳқончилик дорилфунуни, Техника дорилфунуни, Иқтисод дорилфунуни шулар жумласидандир. Бир неча пединститутлар дорилфунунга айлантирилди. Эндиликда улар қаторида хусусий дорилфунунлар очин ҳақида ҳам гаплар юрибди. Балки шундай бўлиши лозимдир. Ахир бошқа давлатларда турфа йўналишдаги дорилфунунларини санаб санюига ета олмайсиз.

М.: — Ҳозирги аҳолида дорилфунунлар маънасини ошириш учун қайси йўлдан бормоғиниз дарвор? Жадал оқимлаётган жамиятга фанга келгусида айнан ана шу чинакам дорилфунун таълимини олган мутахассислар сарбон бўла олинларини учун қандай ялғиларини ҳаётга таътиб этишимиз лозим бўлади? **Т. С.:** — Сўнги пайтларда қадар МДХ таркибидagi давлатлар олий илмгоҳларида 300 та мутахассислик ва ихтисос, шу жумладан 49 та дорилфунун мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланиб келинади. ТошДД битирувчилари 29 та соҳа ва мутахассислик бўйича ихтисосга эга бўладилар. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўттиш керакки, 01 (табиий фанлар) ва 02 (ижтимоий фанлар) бўлимига кирган ихтисос ва мутахассисликлар «асл дорилфунун таълим»нинг асоси ҳисобланади. Албатта, бундай дорилфунунда бошқа хил ихтисос ва мутахассисликлар бўлган кадрлар таъйинланмас экан-да, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Аксинча, айтайлик, ТошДДнинг ўзидa 06 (иқтисод ҳоҳаси) бўлимига тегишли мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлига қўйилмоқда.

Бир соатлик дарс БОЛАЛАР СУД ҚИЛАДИ

Бир сафар олтинчи синф ўқувчиларига «Туя билан Бўталоқ» масалининг гоҳисига дахлдор хулосани етказишда қийналиб қолдим. Тўғрироғи, «Бўталоқнинг азоб-уқубатлари учун ким айбдор?» деган саволга ўқувчилар дурустроқ жавоб тополмадилар. Менинг изоҳларим эса негадир анча қуруқ, нурсиз чиқаверди. — Келинг суд қиламиз, — дедим, ниҳоят болаларга. Севимли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикоясидagi сўзлар хотирамга келган эди: «... синфда Чеховнинг «Уйқу истағини ўқидик, гўдакни ўлдирган қизни суд қилмоқчимиз. Даввогар гўдакнинг онаси — Раҳима бўлади, қораловчи — Шарифжон. Судьялар ҳам бўлади...» Биз ҳам худди ана шундай суд қилмоқчимиз. Ким айбдор экани судда маълум бўлади.

Масал матни билан таълимчи: уни ифодали ва изоҳли ўқиб ўргандик. Энди суд иштирокчиларини белгилаймиз. Майли, аввал илгорроқ ўқувчилар ҳаракат қилиб кўришим. Кимнинг нутқи қандай бўлиши ҳақида қисқачина кўрсатма ва таъйиргарлик учун вақт ҳам берайлик. Қолгани ўқувчиларнинг ўзларига ҳа-вола, Ижод қилишим. Эҳтимол, нутқлар матнини қайта-қайта ишлашга, адашиб, тўхтаб қолишларга ҳам тўғри келар.

Шундай қилиб ўқувчилардан суд иштирокчилари, судья, унинг икки маслаҳатчиси, котиб, икки нафар давлат айбловчиси ва икки нафар ҳимоячи белгиладик. Ана энди ҳаммининг нигоҳини ихчамлигига суд залига ўхшатиб жиҳозланган сахнага — синфнинг турига қаратиш мумкин. Котиб (синфга кириб келди.) Унингиздан туринг! Суд келяпти! Ҳамма ўриндан туради. Суд хайъати кириб, ўз жойларини эгаллайдилар. Судья. Утиринлар. Бўталоқнинг шикоятини юзасидан 6-Б синфда ўтказилган суд мажлисини очиб деб эълон қиламан. Сўз давлат айбловчиси Маъруф Қобиловага. Давлат айбловчиси. Мен Бўталоқнинг барча изтиробларига унинг онаси — Туяни айбдор деб биламан. У бир лаҳза бечора Бўталоққа меҳрибонлик қилса ёмон бўлмасди. Судья. Сўз ҳимоячи Нафиса Қаримовага берайди. Ҳимоячи. Мен юридаги айблов фикрига қўшилмайман. Масалдаги қуйилган мисраларга эътибор берайлик: Айди аносини боласига боқиб, Кўзларининг ёшлари сувдек оқиб:

И. АВДИЕВ, Пастдаргом туманидаги 44-ўрта мактабнинг олий тоналга она тили ва адабиёт ўқитувчиси.


КўП БОСҚИЧЛИ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОРЕКТОРИ ТЕЛЬМАН САТТОРОВ БИЛАН СУҲБАТ

нинг боиси бор. Ҳартугул дорилфунун таълимнинг келажиги ана шу талабаларини бир неча босқичда ўқитишга боғлиқлиги равшан бўлиб бормоқда. Хорижий мамлакатлардаги олий мамлакатларнинг таълим тарбияси ҳам бунинг таъкидлаб турибди. **М.:** — Уша «бир неча босқич»нинг ҳар бирини алоҳида таърифлаб берсангиз... **Т. С.:** — Яқин орада ТошДДда талабаларни уч босқичли таълим йўналишида ўқитиш режалаштирилмоқда. Биринчи босқич: ўқиш муддати — 4—4,5 йил. Махсус ўқув режаси ва дастурларига қуввати аввалги беш йиллик таълимга тенг бўлган етук илмий-таълимий фанлар ва таъғамини амалий машғулотлар мажмуини киритиш кўзда тутилган. Шу қаторда бир қанча фан-

ганидан кейин ишга жойлаштириш жараёнида унинг Ўзбекистон Республикасини тили ҳамда хорижий тилларини қай даражада билиши, компютерда ишлаш бўйича зарурий таъйиргарлиги, илмий-таълимий ишларга лаёқати ҳисобга олиниши лозим. Иккинчи босқич: ўқиш муддати — 2—2,5 йил. Бу босқич дорилфунун таълимнинг сифат жиҳатидан юқориси саналади. Иккинчи босқичнинг ўқув режасига таълимнинг тайинли бир йўналиши бўйича қўшимча таъғамини амалий машғулотлар, махсус фанлар мажмуи киритилган бўлиши керак. Бу нарса битирувчининг бир ихтисосни чуқурроқ эгаллашга қўл келди. Бундан ташқари, иккинчи босқичда қўшимча, ёхуд аралаш ихтисос олиш, таъ-

қилишни йўлга қўйиш мумкин. **М.:** — Буларнинг ҳаммаси яхши. Аммо дорилфунун таълимнинг ҳар бир босқичини тугатган битирувчиларга келгусида қандай ҳужжатлар берилиши кўзда тутилмоқда? **Т. С.:** — Албатта, бу саволигизга кўпбосқичли таълим муаммоларини ўрганаётган факультет ва дорилфунунлар илмий кенгашларининг маълум хулосасидан кейингина аниқ бир жавоб бериш мумкин деб ўйлайман. Ҳар ҳолда кўплаб хорижий юртлар дорилфунунларнинг таълим тарбияси ҳамда уларга қўшимча баъзи бир улarga қўшимча баъзи бир ўз фикрларини таътиб этиш учун қаттиқ ишлашимиз керак бўлади. **Суҳбатдош Зарбуви АЛҚАРОВА.**



МАШҒУЛОТНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Ўқувчиларнинг мустақил ва Ижодий фикрлаш Фаолиятини ривожлантириш омилиларидан бири она тили курсидagi ҳар бир бўлим ва мазуларини ўзаро боғлаб ўрганишдир. Бинобарин, она тили дарсларида морфология синтаксис билан боғлаб ўрганиш мазкур мақсадни амалга оширувчи муҳим таълим тамойили ҳисобланади. Морфология синтаксис билан боғлаб ўрганиш ўқувчиларнинг синтаксис юзасидан ўзлаштириш дастлабки билимлари асосида ташкил қилиниб, 4-7-синфларда сўз туркумларини ўтиш жараёнида амалга оширилади. Морфология курсида ўрганиш учун она тили синтаксис тартибли курсини ўзлаштиришни таъминлайдиган икки асосий синтактик тушунча танланади. Бу — «сўз бирикмаси» ва «таълимий грамматик асоси» тушунчасидир. Методист олимларнинг хулосаларидан маълумки, морфология курсини ўрганиш жараёнида ташкил қилинадиган синтактик ишлар синтаксис изчил курсини ўрганиш учун таъйирлов босқичи ҳисобланади. Мазкур босқич морфология ва синтаксиснинг мантйий боғлаш заминидa синтактик тушунча тартибини ҳосил қилади. Демак, морфологияни ўрганиш давомида ўқувчиларда маълум синтактик тушунча ҳосил қилиниши керакки, бундай таълим 8-9-синф материалларини онгли ўзлаштиришни таъминласин.

5-7-синфларда сўз туркумларини ўрганиш жараёнида амалга оширилган «морфологияни синтаксис билан боғлаб ўрганиш» тушунчаси мактаб она тили курсида морфология ва синтаксисни ўзаро боғловчи умумий гоғининг узвий қисми бўлиши керак. Мазкур гоғ 8-9-синфларда синтаксисни морфология билан боғлаб ўрганиш асосида давом эттирилади. Синтаксисга оид ишларни босқичли кетма-кетлик тамойилида ташкил этиш синтактик тушунчаларни англашга ва у билан боғлиқ бўлган кўнимка ва малакаларни эгаллашга ёрдам бериб ўқувчиларнинг 8-9-синф дастур материалларини ўрганиши маълум даражада энгиллаштиради. Шунингдек, ўқувчиларнинг орфографик малакаларини тақомиллаштиради, тил сезгирлигини оширади. Умуман, ўқувчиларнинг синтактик билим ва кўнимкаларини тақомиллаштириш заминидa уларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш учун морфология курсининг имконияти катта. Мазкур таълим тамойили дарс жараёнига изчил таътиб этишдан тақдирлагина самара бериши мумкин.

М. АБДУРАИМОВА.

Жумҳурият ўқув-методика марказининг 1-даражали методисти.

ҚИРҚТА УСЛУБ АФЗАЛЛИГИ

қинлашди («ва» боғловчиси ёрдамида). 3. Куз келди, ҳаво салқинлашди («ю» юкласи ёрдамида). 4. Куз келиб, ҳаво салқинлашди («иб» қўшимчали равишда ёрдамида). Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга «Ушбу икки содда гап яна қандай воқеалар билан боғланиши мумкин?» — деган саволини

ўртага ташлайди. Ўқувчилар давом эттирадилар: Куз келгач, ҳаво салқинлашди. Куз келиб, ҳаво салқинлашди. Куз келганда, ҳаво салқинлашди. Янги мисолларни ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда таҳлил этади. Бироқ ҳар қайси дарсда ҳам бу усулни қўллавериш яра-

А. МАМАДАЛИЕВ, Наманган туманидаги Бобур номи тўлиқлик ўрта мактаб ўқитувчиси.

Математиклар орасида «Қирқта мисолини бир услубда ечгандан кўра, бир мисолини қирқта услубда ечган афзал» деган наъл кенг тарқалган. Қанчалик доно фикр: Тил ўқитишда бунинг айрим мазуларига қўлланса, ўринли бўлар экан. Ўқитувчи 5-синфда она тилидан «Галларнинг боғловчи воситалар» мазмунини ўтишда дарсининг аниқ мазмунини ўтиш қисмида қуйидаги мисолларни синф тахтасига ёзиб, ўқувчиларга тушунтиради: 1. Куз келди, ҳаво салқинлашди (оҳанг ёрдамида). 2. Куз келди ва ҳаво салқинлашди.



Пойтахтими эдаги 197-болалар боғчасида Л. А. Иноземцеванинг сави ҳаракати туфайли спорт ва жисмоний тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам спорт залы доимо кичкинтойлар билан тавжум.

Ўзбекистон Республикасида спорт залы турли спорт машқларини бажариётган велосипед ва самокат учиб қўнаётган шодон чехралли болаларга кўзнингиз тушади.

Суратда машгулотлардан лавҳалар акс эттирилган.

Сураткаш Р. АЛЬБЕКОВ.

СУРАНГ, ХУҚУҚШУНОС ЖАВОБ БЕРАДИ

САВОЛ: Мен кўп йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаб келдим. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси...

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар кеңашининг 1990 йил 13 февралдаги қарорига биноан...

САВОЛ: Мазлумки, яқинда ижодкор ходимларга улар яшаб турган давлат ва идораларга тегишли уйлар ва квартираларни бепул шахсий мулк қилиб берилиши ҳақида қонун чиқди...

САВОЛ: Мазлумки, яқинда ижодкор ходимларга улар яшаб турган давлат ва идораларга тегишли уйлар ва квартираларни бепул шахсий мулк қилиб берилиши ҳақида қонун чиқди...

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигини байрам қилиш муносабати билан...

САВОЛ: Мазлумки, яқинда ижодкор ходимларга улар яшаб турган давлат ва идораларга тегишли уйлар ва квартираларни бепул шахсий мулк қилиб берилиши ҳақида қонун чиқди...

САВОЛ: Мазлумки, яқинда ижодкор ходимларга улар яшаб турган давлат ва идораларга тегишли уйлар ва квартираларни бепул шахсий мулк қилиб берилиши ҳақида қонун чиқди...

КЕЧКИ МАКТАБ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Кечки мактаб деганда қандайдир... одамлар чаш кўз билан қарашди. Гўё у кераксиздэй. Андиқонликлар эса аксинча...

Яқинда шу мактабда вилоят кечки мактаб директорларнинг семинари ўтказилди. Семинарда мактабнинг бу борадаги ишлари таҳсинга сазовор топилди.

Инсон ақли, заковатининг муттасил ривож қилиниши унинг китоб ўқишига боғлиқ. Китобнинг беқиёс, бетакор фазилати инсон ҳаётининг сермазун ва маълум мақсад сари изчил йўналишига асос бўлади.

Оилада болаларни 2-3 ёшдан бошлаб китобга қизиқтиришга алоҳида аҳамият қилиш, унга расмий китоблар кўрсатиш, уларга тасвирланган воқеа-ҳодисаларга улар эътиборини тортиш, кўрмалари ҳақида сўзлаб бериш учун саволлар билан мурожаат этиш лозим.

Китоб мазмунини ота-она ёки тарбиячилар бошдан-охиргача ўзлари сўзлаб беришларидан кўра бош қисмлари ҳақида озгина тушунча бериб, қолганларини боланинг ўзига ҳавола қилиш, унга фикрнинг тўплаш учун вақт бериш, фақат қўйилган ўринларда бир-икки йўналтирувчи савол бериб, ўйлаб юбориш мақсадга мувофиқдир.

Нега ёмон, нега яхши? деган саволларга: Урушгани учун ёмон, ёки кўрқмагани, меҳнат қилгани учун яхши, деган мазмунда қисқа жавоб берадилар. Болалар тафаккурини ўстириш учун китоб жуда қулай воситалардан биридир. Шу жиҳатдан Қашқадарь вилояти Чирчиқ районинда ташкил этилган бир неча ўй боғчаларида олиб борилаётган ишларни ибратли деса арзийди. Тарбиячи Маърифатнома Иброҳимова жуда кичиклар машгулотлар ўтказиб, болалар диққатини жалб этиш йўллари топа олган педагогдир.

Ҳар бир даврда адабий воқеалар, янги ихтилофлар, янги образлар, янги адабий оқимлар юзага келади. Ана шу юзага келган адабиётга оид барча маълумотлардан инсониятни даслаб хабардор қилишда мактабнинг, аниқроғи, адабиёт дарсларининг муҳими ўрни бор. Адабиёт дарсларининг мазмундор қиқичини таъминлашда эса унда қўлланадиган услубларнинг хилма-хиллиги катта аҳамиятга эгадир.

Манбаларда қайд этилишича, қадимий ёзувнинг ватани бўлмиш Шарқда услубий фанининг яратилиш тарихи мактаб ва мадрасалар умри билан тенгдир. Услубий фанининг илк намуналарини, ислом динининг муқаддас китоби бўлган Қуръони Каримни ўрганмиш йўлларида кўрамиз.

Мазлумки, Қуръон араб тилида битилган бўлиб, шарҳ халқларнинг қадимий ёзма ёдгорлиғидир. Бу ноёб асарни нафақат араблар, балки барча ислом динига мансуб кишилар ўрганганлар ва ёд олганлар.

Қуръони Каримдек ёки бошқа мураккаб асарларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши учун мударрислар турли хил усуллари қўллаб келганлар, асрлар мобайнида энгил ўзлаштириш йўллари ахтарилганлар. Айрим усуллар эса алоҳида фан сифатида ўрганилган. Жумладан Шарқда адабиётшунослик фани бир неча қисмларга бўлиниб ўрганилган. Ҳар бир бўлимлар эса илми бадеъ, шарҳ, тавсиф, истиора, шунингдек, илми иншо, илми мунозара, ваъзхонлик санъати, илми қофия, қиёби фанларни ўрганишнинг услубийи ишлаб чиқилган.

Ҳозирги ўқувчилар ҳам арузни бадиҳагўйликни, асар мазмунини изохлашни, шарҳлашни, истиора ёки мунозара қилиш, ваъзхонлик санъатини маҳсус фан сифатида ўзлаштирсалар маданият меросимизини чуқур ўрганишда катта ёрдам берган бўлар эди. Чунки биз шу пайтга қадар инқилобдан сўнгги усуллари, Оврупо услубийини кўр-кўрона кўчириб олдик. Оқибатда ўз адабий меросимиздан, ўз ёзувчиликдан баёбахра бўлиб қолдик. Оврупо маданият меросини ўрганишга мослашган усуллар, шарҳона маданият, маънавий бойлигимизни бизга ўргата олмади.

Бугун эса илгариги ягона дастурдан воз кечиб, педагогиканинг шарҳий йўллари билан ақлини сезилмоқда. Қўрииб турибдики, бу нарсаларни амалга ошириш учун биринчи навбатда биз буюк шайхларнинг ибратли ҳаёт йўллари ва назар солишимиз лозим. Буюк алломаларимизнинг жаҳонга танилгани ҳам шундан биз шу пайтга таъ олмаган санъаткорона қадимий усуллар асосида илми ўрганишнинг ахтармоғимиз лозимдир.

Биргина мисол, Самарқанд қадимдан маърифат ўчоғи. Бу маърифат ўчоғидан қўллаб аломулар бахраманда бўлганлар, Темурийлар даврига келиб у янада ривожланган. Қатор мактаб ва мадрасалар очилган. Айниқса, Улуғбек мадрасаси олий даражадаги дунёвий билимлар фойдаланиш ва бошқа усуллар билан бир неча йилдан буюн амалда қўллаб келинмоқда. Мазкур усуллари боийтиш учун хизмат қиладиган қадимий усуллари энг муҳимлари — жумладан, илмий мунозара, бадиҳагўйлик, ваъзхонлик, изохлаб ўқиш каби усуллардан замонавийлаштириб фойдаланиш, назаримизда ёмон бўлмайди. Шунингдек, бирор синфда илми арузга, илми қофияга юқори синфларда эса ёзма иш турларидан иншо илмига маҳсус соатлар ажратилиб, (фақат ёздариш эмас) тушунчалар беришса, ўқувчиларнинг саводхонлигини оширишда катта ёрдам берган бўлир эди.

Масалан, қадим замонлардан буюн мактаб, мадрасаларда барча илмларни ўрганишда кенг қўлланилиб келинган усуллардан бири — шарҳлаб ўқиш усулини олиб кўрайлик. Шарҳ — аслида арабча сўз бўлиб, очиш, баён этиш, ошкор асарларни ўқувчиларга талаб даражасига ҳақида гап кетадиган хил усуллардан фойдаланишга тўғри келади. Чунки, мазкур, суҳбат, кўргазмалар қуроллардан фойдаланиш ва бошқа усуллар билан бир неча йилдан буюн амалда қўллаб келинмоқда. Мазкур усуллари боийтиш учун хизмат қиладиган қадимий усуллари энг муҳимлари — жумладан, илмий мунозара, бадиҳагўйлик, ваъзхонлик, изохлаб ўқиш каби усуллардан замонавийлаштириб фойдаланиш, назаримизда ёмон бўлмайди. Шунингдек, бирор синфда илми арузга, илми қофияга юқори синфларда эса ёзма иш турларидан иншо илмига маҳсус соатлар ажратилиб, (фақат ёздариш эмас) тушунчалар беришса, ўқувчиларнинг саводхонлигини оширишда катта ёрдам берган бўлир эди.

Масалан, қадим замонлардан буюн мактаб, мадрасаларда барча илмларни ўрганишда кенг қўлланилиб келинган усуллардан бири — шарҳлаб ўқиш усулини олиб кўрайлик. Шарҳ — аслида арабча сўз бўлиб, очиш, баён этиш, ошкор асарларни ўқувчиларга талаб даражасига ҳақида гап кетадиган хил усуллардан фойдаланишга тўғри келади. Чунки, мазкур, суҳбат, кўргазмалар қуроллардан фойдаланиш ва бошқа усуллар билан бир неча йилдан буюн амалда қўллаб келинмоқда. Мазкур усуллари боийтиш учун хизмат қиладиган қадимий усуллари энг муҳимлари — жумладан, илмий мунозара, бадиҳагўйлик, ваъзхонлик, изохлаб ўқиш каби усуллардан замонавийлаштириб фойдаланиш, назаримизда ёмон бўлмайди. Шунингдек, бирор синфда илми арузга, илми қофияга юқори синфларда эса ёзма иш турларидан иншо илмига маҳсус соатлар ажратилиб, (фақат ёздариш эмас) тушунчалар беришса, ўқувчиларнинг саводхонлигини оширишда катта ёрдам берган бўлир эди.

ажратилган 70—80 соат рус адабиётини ўрганишга қаратилди. Миллий адабиёт дарсларининг умумий соатлари эса кескин камайди. Кейинги зълон қилинган адабиёт дастурлари эса эътиборни ўзбек адабиётини ўрганишга қаратади. Айниқса, адабиёт дарсларининг соатлари қўпайганиги қувончли. Бу нарсани адабиёт дарсларининг сифатини кўтаришга катта имкон беради. Ўзбек адабиёти тарихи бўлимининг янги номлар билан бойитилганлиги, соатларнинг кўпайганлиги мақсадга мувофиқ. Табиийки, адабиёт дастурларидан жой олган классик ижодкорларимизнинг

қилиш, чексиз каби маъноларга эгадир. А. Навоий асарлари луғатда эса, шарҳ айламак эмас — изохламоқ, кенгроқ изохламоқ тарзида баён этилган. Яна бир ўринда эса, «максуд — оруз — истак шарҳи, рубоийот — рубоийлар тасвироти, можабро қилмоқ, айла — эт қил — баён қилмоқ, тушунтиромоқ шаклида ҳам беришган.

Ким неча водию манзилдур бу йўл, Эмди мен шарҳ айлай-у сен воқиф ўл. («Лисонут-тайр» 150-бет).

Базми манбаларда эса, шарҳ адабиётшунослигига қарай тадиқотларга яқин туришини ва улар «тавсифга ўхшаб кетиши, «тавсир» гарчи шарҳ билан маънодош бўлса-да, лекин у кенгроқ мазмунни аниқлаштириши ҳақида эътибор қилиш лозим. Шунингдек, айрим сўзларнинг кўчирма маъносидан, синонимлардан, ҳар бир сўзнинг бир неча хил маъноларидан хабардор бўладилар. Тарихий-бадий асарларда ўқувчилар архив, тарихий, шева-диалектик, арабфорс тилидан кирган сўзларни изохламоқда эса шубҳасиз ўқувчилар кўн олдда ўтмиш, маданиятимиз кенгроқ намоён бўлади. Бу нарсани айниқса классик адабиёт намуналари, халқ мақоллари, иборалари, халқнинг яшаш тарзини акс эттирган кийим-кечак, буюмлар ўша даврга оид урф-одатларни, этнографик жой номларини шарҳлашда яхши натижа беради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир халқнинг миллий, тарихий аъёнларини тиклаш, ҳаётга қайтариш унинг маънавий қадриятини тиклаш демакдир.

Ҳар бир халқнинг маънавияти эса, юлдуз шўъласидек сўнмас ва ёбадийдир.

М. ТУРСУНОВА, Алишер Навоий номидagi Самарқанд давлат дорилфунуни доценти.

АНЪАНАМИЗ ЕРДА ҚОЛМАСИН

АНЪАНАМИЗ ЕРДА ҚОЛМАСИН

Ота-оналар, сизлар учун

ни яхши ўзлаштириб олган бўлса, иккинчиси гапнинг жойини, яна бири фақат қаҳрамонларнинг исмларини, жасоратини ёки ташқи қиёфасини эслаб қолади ва уни сўз билан ифодалайди.

Болаларга китоб ўқиш берилаётганда, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган маъқул. Китоб ўқиганда уларни мажбур қилиб тинглашга ундаш мумкин эмас. Ўз ихтиёрига қўйилса, барибир бола китобдаги қизиқ воқеаларга аҳамият қилади, фақат уни яна қизиқтиришни янги усуллари топши керак.

Китоб ўқиш берилаётганда ифодаликка эътибор бериш, ўринли хатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар ишлатиш болада шу воқеа-ҳодисага нисбатан қизиқини ортишига сабаб бўлади. Унда ҳис-туйғулар уйғотилади. У эртан қаҳрамонларнинг ишларига эргашади. Қўлига хипчининг

олиб, қилиқозилик қилаётгандек ёки ёғоч от ўзини чавандоз бўлаётгандек ҳаракатлар қилади. Ота-она боланинг бу ҳаракатларини маъқуллаб, унинг ҳис-туйғуларини янада охиригача аҳамият беришлари керак. У билан бирга ўқиганда иштирок этиш, унга ҳамоҳанглик қилиш боланинг кайфиятини яхшилайди. Ота-она, катталар билан дўстлик, яқинлиқни мустаҳкамлайди.

Шу тариқа ўйин жараёни секин-аста таълим жараёни билан боғланади. Бола оиладаги вақтидаёқ товуш-ҳарфларни билишга қизиқлади. Катталар таъсирини саводини ҳам чиқариб оладиган болаларни қўллаб учратиш мумкин.

Бола ўқини ўрганиб олган, унинг китоб ўқишга бўлган талаблари ортади. Шунда уни кўпроқ мустақил ўқишга ундаган маъқулдир. Ўқиганда асар мазмунини тушунган-тушунмаганини саволлар бериб аниқлаб, унга маъқуллаш лозим. Қиратоҳонликка ўргатиш, ўқиганда таъсирли қилиб овоз чиқаришни машқ қилдириш лозим.

Болаларда чин инсоний фазиалларни шакллантириш учун уларнинг ёшига мос бўлган рангли расмларга бой китобларни тақдим этиш керак. Масалан, Паризод Муҳаммадиевнинг «Шарҳлар учуди» эртанинг тавсия этиш ва биргалишиб эртан мазмунини таҳлил қилиш фойдалидир. Гўзал исмли қиз

ОДОБНОМА САЛОМ-КАМОЛИ ЭХТИРОМ

— Ассалому алайкум! — Ваалайкум ассалом.

Бу сўзлар икки инсон учрашганда қаломдан олдинги муқаддима ўрнида бир-бирини соғинч-саломатлик ва тинчлик тилашдир. Бу ҳақда жуда кўп эшитганмиз, биласиз.

Лекин қисқача «салом» сўзнининг бир жаҳон таъсир кучини биласизми? Масалан, бир-бирини ёмон кўрадиган, зўрма-зўрак саломлашадиган икки одам учрашганда, қалбдаги барча адоватини саломга жойлаб, «Салоом» ёки «Салом бердеек», деб омонлашади. Буни биз заҳарханда салом деймиз.

Аксинча, бир-бирини жуда хурмат қилмайдиган икки одам учрашганда, юрагиданги барча шодлигини саломга жойлаб, қўлини кўксига қўйиб, тибассум билан майин ва ширин саломлашади. Буни чин қалбдан чиққан самийий салом деймиз. Ёки тақаббур, калондимоқдан одан бошқа бир ҳоким одам билан саломлашганда қўл учи билан ёки қўли жингир тоб қилиб сиқиб, менисимасдан, саломлашувчининг қўлини сийтаб саломлашади. Буни камситиб, истаристама саломлашми деймиз.

Ислоом оламида ягона бир шир бор: «Муулмон муулмонга биродар» дейилган. Бу шир замирида, тилдан, миллатидан қатъи назар, шу диндаги инсонлар бир-бирини қадрлаши, меҳр-оқиб

Болта КАРИМОВ, маданият ходими.

ҚУТЛАЙМИЗ!



Хурматли Муҳаббатхон ИСМОИЛОВА!

Сизни қутлуг 50 ёшга тулишингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Салкам йигирма йил давомида тарих фанидан дарс бериб, ёшларни маънавий қадриятларга ҳурмат, ўз миллатини ва ўлкасини севиш руҳида тарбиялаб келмоқдасиз.

Сиздан таълим олган қанчадан-қанча шогирдларингиз халқ ҳужагаининг турли тармоқларида сийдиқидан меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳаммиса Сизни фахр ва самимият билан эслашади.

Сизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, педагогик фаолиятингизда катта муваффақият тилаймиз.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги Н. Сафаров номидаги 147-мактаб жамоаси ва бир гуруҳ шогирдларингиз.



Хурматли Сайдирасул ПАРПИХҲАЕВИ!

Узоқ йиллардирки, билимлар уммонида тўплаган тажрибаларингизни ёшлар қалбига синдириб, ҳурмат ва эътибор қозониб келмоқдасиз. Фақат 23-кечки мактабдагиларгина эмас, балки пойтахтнинг кўплаб педагоглар Сизнинг иш тажрибангиздан, педагогик ва раҳбарлик фаолиятингизни ўрганишга интилишади.

Азиз устоз! Бугун 55 ёшингизни нишонлаш арафасида экансиз, фурсатдан фойдаланиб Сизга соғлиқ, ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.

23-кечки мактабнинг катта ёшлар жамоаси ҳамда касаба уюшмаси.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ал-Амин (809—813-йиллар). Хорун ар-Рашиддан уч ўғил қолди: ал-Амин, ал-Маъмун ва ал-Қосим. Онаси Зубайда соф араб қизи сифатида бош қиролича бўлганлиги учун уларнинг биринчиси маълум устуликка эга эди. Иккинчисининг онаси томирида форс қони оқарди. Хорун ҳаётий пайтдаёқ ал-Аминни Шом ва Мисрга, ал-Маъмунни Хуросоннинг шарқий вилоятларига, учинчи ўғли ал-Қосимни эса Ироққа ҳоким қилиб тайинлаб, маълум тўхтама келганди. У ал-Аминнинг валиахдлиги тўғрисида ҳам амр берган эди. Шунга биноан, ал-Амин халифа бўлди. Кўп ўтмай, ака-укалар орасида жанжал чиқди. Бу шундай юз берди: ал-Амин амри билан ал-Маъмунни унчалик ёқтирмайдиган ал-Қосим унга ворис этиб белгилангани маъқул тушди. У бундай қарорнинг сабабларига ишонқирмади. Лекин пойтахтдан жуда узоқда бўлиб, кучига ҳам яхши кузи етмаганлигидан дарҳол бош кўтариб чиқишдан ўзини тийди. Бундан ташқари, ал-Амин фақат ўзининг содиқ бўлган араблар фирқасига таянарди. Шунга қарамадан, ал-Маъмун вақолатини бекор қилиб, Хуросонда тартиб ўрнатиш ва исёнкор уқасини қўлга олиш учун доҳо Али ибн Исо бошчилигида қўшин юборди.

Доҳонинг омади чопмади, у ҳарбий унвондан мақрум қилиниб, қатл этилди. Ал-Маъмунга қарши бошқа қўшин йўллаш ҳам муваффақиятсиз тугади. Шундан кейин ал-Маъмуннинг Тоҳир ва Хорсмаҳ исми доҳолари ал-Аминнинг ўзинга қарши чиқдилар. Улар Бағдодга боришиб, қамал натижасида уни босиб олдилар. Ал-Амин ушланиб қатл этилди. Бу фуқаролар уруши қарийб, тўрт йил давом этди. Ал-Маъмун ҳали ҳам Хуросонда эди.

Тартибсизликлар — Али мурдларининг исёни. Ал-Маъмун дастлаб оғир даврни бошдан кечирди. У кетма-кет бўлиб турган исёнларни бостиришга кўп йилларни зое кетказди. Асосий ғалаёнларни, айниқса, кўпгина ҳукмдорлар салтанатида тақдорлар билан турган тартибсизликларни эслатиб ўтиш зарур. Энг, аввало, бу Али мурдларининг ҳукмронликка даъвогарлик маъносидеда кўтарилишлари бўлди. Улар ўзларидан бошқа ҳеч ким халифаликни қўлга олишга жазм этолмайдди, деб ишондилар. Улар наздида, ўзларидан бошқа ҳамма ҳокимиятни ўривонлик билан тортиб олишчиларди. Шу маънода гўё умийлар билан аббосийлар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, ҳар иккаларини ҳам номуносиб. Ҳеч бирлари Алига ворислик ҳуқуқиға

[Боши ўтган сонларда].

эга эмас. Ислол меросхўрлик даъвосини тан олмаслигини, Оллоҳ таолога бўйин эгувчи ва инсонлар йўлида яхшироқ хизмат қилувчи одам унга ҳам яқинроқ ва азизроқ эканлигини Али мурдларига ҳеч ким тушунтира олмади. Ҳужмдор бўлиш бобиде Али авлодлари мўқаддас ҳуқуққа эга эканликларига шиа маъзабига мансуб мусулмонларнинг ишончлари қомил эди. Шу жиҳатдан ҳам ўлар имкон бўлди дегунча, ҳар доим ва ҳамме жойда бош кўтариб чиқавлардилар. Ал-Маъмун подшоҳлиги даврида улар Муҳаммад ибн Иброҳим исмида кимса раҳнамолигида оёққа турдилар. Бироқ, Али мурдларининг баҳтига қарши улар моддий ёрдамлари еки шах-

лар. У рад жавобини бергач, эса, ал-Маҳдийнинг ўғли Иброҳимни ҳамда ал-Маъмуннинг бошқа бир амакисини номзод қилиб кўрсатдилар. Бундан хабар топан ал-Маъмун шахсан ўзи Бағдоддан Хуросонга боришга қарор қилди. У йўлда эканлигида Хуросонда ал-Муқанна ишининг давомчиси халифа ал-Мансур давридаги сохта пайғамбар пайдо бўлди. Бобак исмли бу киши ҳам юзига ниқоб тутиб олган бўлиб, баъзи ғалати гоёларни тарғиб қилиш билан машғул эди. Масалан, у руҳнинг қўлиги юришига ишонтирмоқчи бўлиб, бошқа ғайри исломий фикрларни ҳам ёярди. Бобакка қарши юришга вақти бўлмаганлигидан ал-Маъмун

маслигини тушуниб, аслодалар билан бирга собиқ улуг вазир Жаъфар ал-Бармоқий саройини ўзларига қароргоҳ қилиб танладилар. Шундан кейин, ишларини тартибга солишга киришмоқчи бўлди, лекин ҳали осийиштан қўлга олишга қарамасдан, ал-Маъмун Тоҳирнинг Хуросонда бўлиб туришини зарур билиб, уни шу юртга ҳоким этиб тайинлади. Кейинчалик ҳокимлик насли мерос бўлиб қолди. Тоҳир уруғи ал-Маъмун вафотидан сунг ярим мустақилликка эришиб, Хуросонда

ва осийишта бўлмаган, муҳолифликдан жанжаллар учун баҳона ва сабаблар топиш улар учун ҳеч гап эмасди. Натижада, ҳар доим бўлганидек, бу ошқора урушга олиб келди. Вазият қалтис эканлигини эшитган ал-Маъмун уларни тартибга қачирши учун у ерга Тоҳирнинг ўғли доҳо Абдулла ибн бурчини бажариб улгурмасидедаёқ аббосийларнинг азал-абад рақибларини бўлган византияликлар Форсини шимолий-ғарбий вилоятларида, Озарбайжонда исён кўтарган бидатичи Бобакка ёрдам бериб, уни қўллаб-қувватлай бошладилар. Шу сабабдан ҳам Бобакка қарши тўрт йил (829 — 833-йиллар) давом этган курашга ал-Маъмуннинг шахсан ўзи бошчилиқ қилди. У исёнчилар ҳаракатини бостирди, Бобакни мағлубиятга учратиб, форслар юрти худудидан суриб чиқарди. Сунгра, византияликларга қарши курашиб, Тарсуғ ақинидаги Зубру қалъасини эгаллади.

Уртаер денгиз соҳилларидаги ғалабалар. Подшоҳлиги узлуксиз исёнлар ва кўзгопонлар даврига тўғри келган ал-Маъмуннинг истироҳат учун ҳам, курилиш ишлари ҳамда халифаликнинг илмий марказларида машғуллар учун ҳам вақти йўқдек эди. Лекин ҳайратда қоладиган жиҳати шундаки, у ҳаммаси билан шуғулланишга вақт толарди. Аини ал-Маъмуннинг ҳукмронлиги даврида мусулмон маданияти Уртаер денгиз атрофиға ёйилди. Бу даврда иккинчи амир ал-Ҳаккам Испаниядан суриб чиқарган аббосийлараст араблар Критни забт этдилар, шундан кейин Ифрқиянинг аббосийлар авлодиға мансуб қосимлар аълобийлар Сицилияни, Сардини ва Мальтани эгалладилар. Мусулмон маданияти Сицилияда ўзининг юксак чўққисига кўтарилиб, бу оролин қарийб, тўрт юз йил мобайнида маданият марказ даражасида сақлаб турди. Орол араб дунёси билан насроийлар Оврүпоси ўртасидаги учта асосий кўприкнинг бири бўлиб хизмат қилди. Бошқа иккита кўприк вазифасини ғарбда Испания ва шарқда Бағдод бажариб келди.

[Давоми бор].



сий иштироки билан кўзголонни камдан-кам ҳолларда қўллаб-қувватлардилар. Шундай қилиб, уларнинг мағлубиятдан бошлари чиқмасди. Бу гал ҳам Хорсмаҳ Муҳаммад устидан қолди келди. Гоат зукко киши бўлган ал-Маъмун ироқликлар алипарастлик руҳида юртаниликларини қўриб-билиб, қизларидан бирини шималарнинг саккизинчи имоми — Имом Али ар-Ризога турмушга бериб, уни ўзинга кўв деб жар солдирди. Аббосийларнинг оқ рангли байроғини ҳам яшилаган алмаштирдикки, бу Али оиласига хос ранг ҳисобланарди.

Бағдодга қайтишга ошқиди. Тўсга яқинлашганларида кўёзи — саккизинчи имом Али ар-Ризо хасталикка учради, қаранд уринишмасини, уни сақлаб қололмадилар, у Тўсда дафн этилди. Шунинг учун ҳам, бу ер Машаҳ — азоб-уқубатлар макони деб аталадиган бўлди. Шимал имом ўлимнинг сабабларига ишонмасдан, уни захарланган ва шакид бўлган деб ҳисоблашарди. Шундан буюн Машаҳ шилар учун энг мўқаддас жой саналиб келди.

Тоҳирийлар сулоласига асос солинди. Миср-Бобак ва византияликлар. Аббосийлар салтанатида ҳали тинчлик қарор топмаган. Қайсийлар ва қалбийлар ёки мударийлар ва химийрийлар орасидаги азалий рақобат энди бутун Нил дарёси бўйлаб қаттиқ жанжалға айланганди. Асосан, суннийлардан ташкил топан мударийлар ал-Аминга ён босишарди, ҳаммиса шималик таррадорлари бўлиб келган химийрийлар эса ал-Маъмунга бўлишардилар. Бу иккита маъзаб ўртасидаги қарам-қаршилик ҳеч қачон суст

Ироқдаги безовталиқлар. Бундан қониқш ҳосил қилмаган ироқликлар аввалиге ал-Маъмуннинг амакиси ал-Мансури халифаликка қизиқтирмоқчи бўлиб кўрди-

Ал-Маъмун у ерда яшаб бўл-

«МУБТАЛО БЎЛДИМ САНГО...»

Собир отланиб, кўчага чиққанида кўёш найза бўйи кўтарилибди. Кўни-кеча қор кўрпесига бурканиб ётган борлик оғир юкдан халос бўлган келинчақ каби чирой очиб бормоқда. Танасига жон ючур бошлаган дароҳт шохлари майин эсаётган кўклар шамолдан охишта тебранади. Йўл четлари, киш бўйи зах тортиб ётган паҳса уйлар таги яшил ажриодан белбоғ тарта бошлаган. Кўёшини хира нурулари кўзни қамаштирса ҳам, терскай томондан эсаётган изгирин беданин жунжиктирди.

Бир неча бор жомашов юзини кўрган ояққа энгил-бошда ҳаёл ичра бозорга кетаётган Собирни табиятдаги бу ўзгаришлар унчалик қизиқтирмасди. Қўлоқлари остида радиодан таралган бир қўшиқ оҳанги сира ҳаёлидан кетмас, матинини тўлиқ билмас ҳам ёйда қолган бир-икки байтти ўзинча хиргойи қилиб борарди.

Собир бозорга кириб боргунча ҳам қўшиқ таъсирдан чиқ олмади. Эски шаҳарнинг ғала-ғовур бозори ар уасидек гувиллаб ётибди. Четдан назар солган одамга олувчидан кўра сотувчи кўпга ўхшаб қўринарди. У ҳеч нарсаға алақисимай тим остида қатор жойлашган кишини-кечак дўконлари томон буринлар экан, ён чўнтағидаги пулини пайпаслаб қўйди. «Арзонроқ бўлса битта кўйлаққа етиб қолар. Эрта-индин «Наврўз» байрамиде қилман-да, олиб қўяман. Кейин мактабин бити-охиш кенасидан... Собир бир қалбик кетди-ю, ўзини ўнглаб олди. Қўлтигиға бир даста китоб қристириб олган эиллисифат киши кузур сўраб яна қўлидаги китобни арақла-

ганча йўлида давом этди. Бехосдан ўзини урилиб кетган киши ортидан қараб қолган Собирнинг икки кўзи унинг қўлтигидаги китобларда эди. Бир неча бор рўзномаю ойномаларда расми чоп этилиб ойнан жаҳонда кўрсатилган Алишер Навоий асарларининг тўплами кўзини ўйнатиб, ақлини ўғирлади. «Сотувға чиқибди-де, фақат рўйхат бўйича муштарийларға тарқатилса керак, — дейишайтган эдику. Барча жилдимикан, бир кўрай-чи!»

У бозорга нима учун тушганини ҳам унутиб, тим ортида жойлашган китоб дўкони томон шошилди. Дўкон жавониде зарҳал ҳарфлар билан «Алишер Навоий» деб ёзилган китобларға кўзи тушган Собир йўқотган нарсасини топиб олгандай шовиб қолди. Қани энди барча жилдларини тезроқ қўлга олиб, бир-бир арақлаб кўрса. Навбатдаги харидор билан ҳисоб-китобини тутган кўхликкича сотувчи қиз унга юзланди.

— Сизға қайси китобдан кўрсатай! — Шунини бир кўрай! — Собир яшил мўқовали китобни кўрсатди.

Сотувчи қиз пасти қатордаги саргузашт китоблардан бирини олаётган эди, Собир илтимос билан уни тўхтатди: — Кечирасиз, ундан эмас, юқоридеги, Навоий, тўпламидан!

Сотувчи қиз яшил мўқовали китоблардан бирини пештахта устиға қўяр экан, чекрасида ҳайронлик ифодаси зоҳир бўлди. Юпунгина кишининг ўн беш-ўн олти ишлар чамасидаги ўспирининг танлаётган китобни уни ажблантирган бўлса керак. Со-

бир сотувчиға парво қилмай шовиб китобни қўлиға олди-ю, биринчи бетини очди. «Алишер Навоий асарлари тўплами, 1-жилди». У яна бир саҳифани арақлади. «Хазоини ул-маоний. Ғазаллар» Собир биринчи ғазалға кўз югуртирар экан, борлиқини унутди. Алишер Навоийнинг ғазал бустони уни буткул ўз бағриға олган эди.

— Китобни олмасизми? — Сотувчининг саволи уни хушёр тортирди. Жавоб беришдан олдин китобнинг нархига кўз ташлади-ю, устидан муздек сув кўйилгандек бўлди. Бенхтиёр чўнтағидаги пул-

(ХИКОЯ)

ни пайпаслади. Битта кўйлаққа ҳам етиши гўмон бўлган пул танасига ботаётганға ўхшаб туюлди. Ялт этиб кўз олдида онасининг чекраси намоён бўлиб, нонушта пайтда ийламансираб айтган сўзлари қайта эшитилиб келди. — Жон болам, рўзгордан ортиртим, озгина пул йинган-ми. Яқинда «Наврўз» байрами, шунга эгининға бирорта охорли кўйлақ олиб бермоқчи эдим. Пулни олгин-да, бозорга тушиб, одмироқ бўлса ҳам ўзининг мисо кўйлақ олгин. Адагн раҳматликдан қолганлари санга тўғри келмайди, ҳали. Яхшироғини, худо хоҳласа мактабин тутатганидан кейин... — онасининг миңжаларига ёш қалқиди. Собир ҳам тишлаган луқмасини юта олмай бўғилди. Қалбиде нимадир «чирт» этиб

узилгандай бўлди. Онасининг пинжида чой кўплаб ўтирган сингилсидан ёшлана бошлаган кўзларини яширди. — Онаси кўйлагининг енги билан миңжосини артар экан, мулойим термулиб, илтижо қилди. — Фақат ўтган сафарига ўхшаб беҳудаға сарф қилмагин, жон болам, нима қилайки, қўлим қалта. Елғиз бошим билан...

Собир ўтган сафар қилган ишини эслаб, дув қизарди. Ушанда онаси маошидан пул ажратиб бозордан гўшт харид қилиб келишга тушган эди. Лекин у дўконда «бобурнома» китобини кўриб қолди-ю, бозорга нима учун тушганини ҳам унутиб, уни сотиб олганди. Бир олам кўвонч билан ташқарига чиққанида эса онаси пулни нимаға берганини эслаб, қоққан қознида жойида туриб қолди. Китобини қайта топириб, пулни қайтариб олиш эса, жонини қузиб бериш билан тенг. Нима қилиш керак! У бироз ўйланиб турди-да, қўл силтаб йўлида давом этди. Бўлар иш бўлиб, бўёғи синган эди. Уйда онаси бир унинг қўлидаги китобға, бир жоғдираб турган масъум кўзларига тикилиб турди, индамай бурилиб ошонинге кириб кетди. Онасининг «ўтган сафаридеги» дегани ўша ишиға ишора эди.


— Бўла қолинг, олмасизми, йўқми? Собир ҳаёлини жамлади. Қўлидаги китобни бироз тортиб олиб қўяётгандек бағририға босди. — Ҳозир, нечта жилди бор! — Туртта, улардан ҳам озгина қолди. Собир миңг машаққат билан чўнтағидан пул чиқарар

экан, онаси ҳақида ўйламасликка тиришарди. У китоб пулини тўлаб, эшик томон уч-тўрт қадам ташлади-ю, яна жойида тўхтади. «Улардан ҳам озгина қолди, — сотувчи қизининг сўзи Собирнинг миёсиде тимней тақороларди. — «Озгина қолди, озгина қолди». Собир икки ўт орасида қовуриб экан, «эскироқ бўлса ҳам ҳозирча «кийишға қўйлагим бор-ку», — деган фикр миёсига қақмоқдек урилди. У бир қарорға келди-да, шахт билан ортиға ўгирилиб, сотувчи қизға юзланди.

— Қолган жилдларини ҳам бериш! Сотувчи қиз тўрттала жилднинг олпоқ қозоғға яхшилаб ўрар экан, кўзларида меҳр ифодаси жилва қилди. Уз хариддан манун Собирнинг қулуги остида эса бозорга отлангаётган чоғида радиодан таралган қўшиқ байтлари қайта жарағлаб турарди... Ҳар неча дедимки, кун — кундин узай сендин кўнгул, Ваҳки, кун-кундин Баттароқ мўбало бўлдим санго...

ҒАЯРАТ
Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги педагогика таълими ва фан Бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Р. Ш. Усмонова онаси
Нурнисо МУСАЖОНОВА
вафот қилганлиги муносабати билан қуқур таъзия изҳор этади



Лабиховуз манзараси (Бухоро)

Суратқаш С. МАҲРАМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 32-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.